

Ҳомиланинг шаклланиш босқичлари ёхуд нутфа



17:00 / 28.11.2020 5880



Аллоҳ таоло барча жонзотлар орасида инсонни мукаррам, гўзал суратли қилиб яратган. Албатта, ҳар биримиз она қорнида ҳомила бўлганмиз. То дунёга келгунимизга қадар бир қанча босқичлардан ўтганмиз. Эр-хотин яқинлик қилгач, эркакнинг уруғи аёлнинг тухум ҳужайраси билан қўшилади. Ана шу ондаги босқич нутфалик босқичи дейилади.

Аллоҳ таоло Қуръони Каримда шундай деб марҳамат қилган:

﴿نِي كُمْ رَارَقِ يَفَّ ةْفُطْنُ هَان لَعَجَّ مُثْ﴾

«Сўнгра уни мустаҳкам қароргоҳда нутфа қилдик» (Муъминун сураси, 13-оят)

Нутфа нима? Луғат олимлари «нутфа» сўзини қуйидагича баён қилишган:

1. Бир томчи бўлса ҳам суюқлик бўлиб, эркак ва аёлдан чиққан суюқликка ишлатилади.
2. Шунингдек, нутфа эркак ва аёл сувларининг аралашган ҳолатига нисбатан ҳам ишлатилади.

Аллоҳ таоло Қуръони Каримда шундай деб марҳамат қилган:

﴿أَرِي صَبَّ أَعْيَمَسُ هَان لَعَجَّ فِهَيْ لَتُبَّ نَجِ اشْمُ ةْفُطْنُ نَمَ نَاسْنُ إِلَا اِنْقَلَخْ اِنِ﴾

«Албатта, Биз инсонни аралаш нутфадан яратдик. Синаш учун, бас, уни эштадиган, кўрадиган қилдик» (Инсон сураси, 2-оят).

Ушбу оятда ҳомиланинг босиб ўтадиган босқичларидан бири – аралаш нутфалик ҳолати баён этилмоқда. «Аралаш нутфа» деб таржима қилинган жумла оятда **حاشم ةْفُطْنُ** (нутфатин амшаажин) бўлиб келган.



Бу пайтда ҳомила сув каби суюқ томчи ҳолатида бўлади ва унинг сув каби оқма ҳаракатланиш хусусияти бор. Эмбриолог олимлар уни зигота деб аташади. Ушбу расмда зигота акс этган. Зигота сўзи сперма ва тухум ҳужайра қўшилиб, уруғланиш натижасида ҳосил бўлган суюқликка нисбатан ишлатилади.

Қуръони Карим ушбу суюқликни «нутфатин амшаажин» деб таъбир қилганига эътибор берайлик! Ибн Аббос розияллоҳу анҳумо **«Албатта, Биз инсонни аралаш нутфадан яратдик»** оятидаги «аралаш нутфадан» жумласини «эркак ва аёл суви қўшилиб, аралашган сувдан» деб тафсир қилган эканлар. Қуръони Карим ишлатган калималарнинг нақадар аниқ, дақиқлигига қаранг!



Бу даврда бачадон деворига бластоциста ёпишади. Бу бир пуфакчадир. Расмда ўша пуфакча акс этган. Бластоциста уруғланган тухум хужайранинг майдаланиши жараёнида ҳосил бўладиган моруладан кейинги даври бўлиб, нутфа ҳам шунинг ичида бўлади. Бачадон деворига ёпишган пуфакча ичидаги нутфа оқувчанлик хусусиятини йўқотиб, алақа (зулуксимонлик, лахта қонлик) даври бошланади.

***«Мана бу Пайғамбар Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламдир»
китоби асосида Нозимжон Ҳошимжон тайёрлади***